Ушбу сонда:
2 БОҒ ЯРАТИБ ЯЙРАМАГАН БОБОМ
3 «Ишонч» бонг уради ЭЛ РИЗҚИГА КЎЗ ОЛАЙТИРГАН КИМ?
4 ТЕННИСЧИ МАНЗУРА ХАТИРЧИ ФАХРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 23 июл, жума № 99 (746)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## МУСТАҲКАМ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

***Тахиатош шаҳрида аёлларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, бола тарбияси билан шуғулланиш ва жамоат ҳаётида фаол иштирок этишлари учун зарур шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Куни кеча бу ерда янги туғруқхона фойдаланишга топширилди. Тиббиёт маскани замонавий асбоб-ускуналар ва малакали врачлар билан таъминланган.***

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

### Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида

**Юртимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашларда матонат кўрсатган, миллатни ҳурлик ва эркинликка чорлаган, мустабид тузум йилларида қатағон этилган фидойи ватандошларимизнинг мўътабар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш, ёшлар қалбида метин иродали, мард аждодларимиз руҳи-покига эҳтиром, ижтимоий адолат тантанасига ишонч, истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини кучайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 12 майдаги Ф-999-сон Фармойишига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссиясининг қатағон қурбонлари бўлган ватандошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялари маъқуллансин.

Жамоатчилик комиссиясининг кенг халқ оммаси фикрларига асосланган таклифлари ҳисобга олиниб, Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича республика ташкилий қўмитаси тузилсин ва унинг таркиби тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита жамоатчилик комиссияси билан биргаликда, Маданият ишлари вазирлиги, Бадиий академия, ижодий уюшмалар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, ўз-ўзини бошқариш органлари, ижтимоий фан вакилларини жалб этган ҳолда:

- Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги Бўзсув қирғоғида Мустамлакачилик даври қурбонлари хотира мажмуасини барпо этиш бўйича кенг жамоатчилик фикрини тўлиқ ўргансин ва танловлар асосида тайёрланган таклифларни икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

- вилоятлар, туман ва шаҳарларда мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида ёдгорлик мажмуаларини барпо этиш ва бошқа қўшимча тадбирларни кўзда тутувчи дастурларни ишлаб чиқсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ушбу тадбирларнинг ўз ҳудудларида амалга оширилишини таъминласин.

2. Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси ҳузурида «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасини тузиш тўғрисидаги таклиф инобатга олинсин.

«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасининг вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар, компаниялар, корпорациялар, банклар ва бошқа муассасалардан иборат ҳомийлар гуруҳи маъқуллансин.

Жамғарманинг таркибий тузилмаси маъқуллансин ва унинг Низоми белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилсин.

Халқаро ташкилотлар, айрим фуқаролар ва хорижий шахсларнинг хайрия улушлари учун жамғарма ҳисоби очиқ эканлиги эътиборга олинсин.

3. Қуйидагилар «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасининг асосий вазифалари этиб белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин:

- Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси ишини ташкил этиш ва комиссия зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилишига ёрдам бериш;

- қатағон этилган фидойи ватандошларимизни номманом аниқлаш мақсадида жамоатчилик комиссияси томонидан мамлакатимиз ҳудудларида тузиладиган илмий-ишчи гуруҳлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

- шаҳид бўлган юртдошларимиз номини абадий сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида кўп жилдлик «Қатағон қурбонлари» хотира китобини яратиш ва нашр этишга кўмаклашиш;

- хориждаги турли архив, музей, кутубхона ва бошқа илмий-маърифий муассасалар, мутахассислар билан алоқалар ўрнатиш, ҳамкорлик қилиш ҳамда ватандошларимиз ҳаёти, фаолиятига оид чет эллардаги мавжуд манбаларни излаб топиш ва ўрганиш мақсадида илмий экспедициялар ташкил этиш;

- қонунда белгиланган тартибда ишлаб чиқариш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан 20 миллион сўм ажратсин.

«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси ва унинг тасарруфига кирувчи бўлинмалар, корхоналар барча турдаги давлат солиқларидан, божхона тўлови ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган бошқа тўловлардан беш йил муддатга озод этилсин.

Ҳомийларнинг даромаддан тўлайдиган солиқ бўйича базаси уларнинг жамғармага ўтказадиган пул маблағлари миқдорига монанд қисқартирилиши белгилаб қўйилсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасини Тошкент шаҳар Навоий кўчасидаги 69-уй (Ўзбекистон Фанлар академиясининг собиқ Қўлёзмалар институти биноси)га жойлаштирсин.

6. Ўзбекистон Почта ва телекоммунакациялар агентлигига «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси бошқарувини шаҳар ва ҳукумат телефон алоқаси билан таъминлаш топширилсин.

7. «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси «Адолат» ва «Маънавият» нашриётларида «Истиқлол фидойилари» туркумида мустамлакачилик даври қурбонларининг илмий-ижодий мероси, улар ҳақидаги тадқиқотлар, Ватанимиз озодлиги йўлида жон фидо қилган инсонларнинг ибратли ҳаётидан ҳикоя қилувчи хотиралар, ёдномалар, шунингдек, тарғибий-ташвиқий адабиётлар ва кўргазмали воситаларни мунтазам чоп этишни йўлга қўйсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Республика Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фанлар академияси, Президент девони архиви ва Бош архив бошқармаси Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини адабийлаштириш жамоатчилик комиссияси ҳамда «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси сўровларига биноан, зарур архив ҳужжатларидан фойдаланиш учун тегишли шароитлар яратсин.

9. «Ўзтелерадио» компаниясига «Унутмас мени Ватан» номли махсус ижодий гуруҳ ташкил этиб, мустамлакачилик даври қурбонларининг хотирасини абадийлаштиришга оид амалга оширилаётган ишларни мунтазам ёритиб бориш топширилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг**

**Раиси И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 22 июл.

## *Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатида*

**Раёсатни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари М.М.Расулов бошқарди. Унда Республика Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида атрофлича гап борди.**

Раёсат йиғилишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмита раиси вазифасини бажарувчи З.Қодиров «Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси томонидан қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш даврида меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоялаш ҳамда касаба

## ЗАМОН ТАЛАБИГА ҲАМОҲАНГ ИШЛАЙЛИК

уюшма ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини такомиллаштирш юзасидан олиб бораётган ишлари тўғрисида» маъруза қилди. Ўз сафларида 3 миллиондан кўпроқ аъзони бирлаштирган мазкур Марказий қўмита бозор шароити даврида тармоқ меҳнаткашларини ижтимоий ҳимоялаш, касаба уюшма ташкилотларининг бу борада олиб бораётган фаолиятини такомиллаштириш юзасидан муайян ишларни амалга оширмоқда.

Ходимларнинг маънавий ва маданий савиясини ошириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш мақсадида республика миқёсида турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга эътибор кўчайтирилмоқда.

Айни пайтда, таъкидлаш жоизки, касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар замон талабидан орқада қолмоқда.

Баъзи тармоқ касаба уюшма ташкилотлари ҳамон эски усуллардан воз кечишолмаяпти. Тармоқ битимлари, жамоа шартномаларининг кўпчилигида матннинг 50-60 фоизи Меҳнат кодексидан кўчириб олинган моддалардан иборат. Боз устига Битим ва жамоа шартномаларининг иш ҳақи тўлаш билан боғлиқ бандларини бажаришда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилаяпти.

Вилоят, туман қўмиталари томонидан бошланғич ташкилотларга ҳуқуқий масалаларда амалий ёрдам кўрсатиш етарли даражада эмас. Марказий қўмитанинг ўзида бош меҳнат ҳуқуқ нозири лавозими анчадан бери бўш. Оқибатда жойларда меҳнат шартномаси иш берувчи томонидан ноҳақ, қонунга риоя этмаган ҳолда бекор қилиниши ҳоллари учрамоқда.

Хўжалик органлари, касаба уюшма томонидан маданий-маърифий муассасаларга эътибор сусайган. Жиззах вилоятининг айрим хўжаликларидаги маданият саройлари, клублар 8-9 йилдан бери қаровсиз. Шу вилоятдаги Зарбдор, Пахтакор туманларидаги спорт майдончаларининг 80 фоизи ташландиқ ҳолда. Спорт бўйича йўриқчилар лавозимлари қисқартириб юборилган. Жиззах, Сирдарё, Фарғона вилоятларидаги айрим кутубхоналар танг аҳволда.

Касаба уюшма ва ижтимоий суғурта бюджетлари маблағларидан фойдаланишда суиистеъмолликларга йўл қўйилмоқда. Сиҳатгоҳларда йўлланмаларни ҳисобга олиш, тақсимлаш масалаларида қатор камчиликлар мавжуд. Жойларда аъзолик бадалларининг аксарияти иш ҳақига сарфланмоқда. Айни вақтда жисмоний тарбия ва спортга етарли маблағ ажратилмаяпти. Жиззах вилоят қўмитасида 1998 йилги даромад 1169,4 минг сўмни ташкил этиб, харажатларнинг умумий миқдоридан 50,6 фоизи иш ҳақи тўлашга сарфланган. Маъмурий-хўжалик харажатлари умумий сарфларнинг 76,2 фоизини ташкил этгани ҳолда, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига атиги 2,9 фоизгина ажратилган.

Тармоқ касаба уюшмаси тизимида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш масаласида ҳам қатор камчиликлар мавжуд. Хусусан, бу ерда соҳа мутахассиси бўлмаган, малакаси ва билими шу кун талабига жавоб бермайдиган, боз устига ёши улғайган ходимлар салмоғи анча каттадир. Йиғилишда жойларда бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайловларда бундай кишилар ўрнига билимдон, эътиқодли, ташкилотчи, қатъиятли ҳамда масъулиятни зиммасига ола биладиган кадрларни дадил тавсия этиш лозимлиги уқтирилди.

Раёсат йиғилишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири М.Исаевнинг «1998 йилга тузилган жамоа шартномаларининг бажарилиши ҳақидаги (жамоа шартномаларини 2-шакли бўйича) ҳисобот якунлари тўғрисида»ги маърузаси тингланди.

1998 йилда тузилган жамоа шартномалари орқали жами 5 миллиондан зиёд ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга муносиб меҳнат шароитлари яратиб бериш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Бу эса касаба уюшмалари ҳудудий кенгашлари, марказий қўмиталарининг ушбу меъёрий ҳужжатга эътиборлари ошганлигидан далолат. Шу билан бирга касаба уюшма хизматига олинган корхоналардан фақат 50,1 фоизида жамоа шартномалари қабул қилинганлиги ажабланарли ҳол. Республика бўйича барча мулкчилик шаклларига мансуб корхона, ташкилот ва муассасаларда қабул қилинган жамоа шартномаларининг ҳар бирига ўртача 30 тадан кўпроқ тадбирлар киритилган бўлиб, қабул қилинган бандларнинг салкам 90 фоизи бажарилишига эришилди.

Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун республика бўйича ҳар бир ходимга йил давомида 7 минг 450 сўм сарфланган бўлса, бу кўрсаткич чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда 22 минг 895 сўмни, давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларида 10918 сўмни, жамоа ташкилотларида 8 минг 42 сўмни ташкил этди.

Умуман олганда корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан 1998 йилда тузилган жамоа шартномалари ва уларнинг бажарилишида ижобий ўзгаришлар мавжуд.

Раёсат йиғилишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари Б.Тожиев Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг тадбирлари ҳақида» чиқиш қилди. Йиғилиш қатнашчилари шунингдек Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг раиси О.Муҳиддинованинг «Аёллар соғлиғи ва меҳнатини муҳофаза қилиш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини оширишда касаба уюшма ташкилотларининг роли ва ўрни» ҳамда 1999 йил ёз мавсумида болаларни соғломлаштириш борасида амалга оширлаётган ишлар хусусидаги маърузаларини ҳам тингладилар. Шунингдек, «Санаторий-профилакторийларнинг моддий базасини ҳамда фаолияти самарадорлигини ўрганиш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида»ги ва бошқа қатор долзарб масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Раёсат йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Бўёқларда ҳаёт жилоси

Ўзбекистон Бадиий Академияси Марказий кўргазмалар залида рангтасвир устаси Раҳмон Шодиевнинг шахсий кўргазмаси очилди.

Қарийб қирқ йилдан буён тасвирий санъат билан шуғулланиб келаётган таниқли рассом ўз асарларида ҳаёт гўзаллигини рангларнинг шартли манзарали бирикмалари орқали, ёрқин, қайноқ бўёқлар талқинида ифодалай олишдек Шарқ мусаввирларига хос маҳоратга эга. Мусаввирнинг ҳаётга бўлган муҳаббати инъикоси сифатида туғилган бу ёрқин ва гўзал олам унинг ички дунёси билан ҳамоҳангдир.

Рассомнинг асарлари республикамиздан ташқарида ҳам шуҳрат қозонган. У Москва, Санкт-Петербург, Берлин, Улан-Батор, Франкфурт, Скопле шаҳарларида шахсий кўргазмаларини намойиш этган. Бу асарларнинг аксарияти мамлакатимиз музейларида, шунингдек, жаҳоннинг Германия, Франция, Швеция, АҚШ, Канада, Австралия, Малайзия, Исроил сингари йирик давлатларидаги хусусий коллекцияларда сақланмоқда.

Кўргазма очилишида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т.Қўзиев сўзга чиқиб, ҳозирги замон тасвирий санъатининг катта йўлидан дадил бораётган муаллиф ўз ижоди билан ўзбек тасвирий санъати тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

(ЎзА)




*Бухоро туманида Мадр қишлоғи бор. Бу ердаги ажойиб обидалар қизил империя даврида хор қилиб ташлаб қўйилди. Мустақиллик шарофати билан маданияти, дини, тарихидан мосуво қилинган халқ бағрига шамол тегди, у ўзлигини таниди. Айни кунларда фахримиз бўлмиш обидаларни қайта таъмирлаш, бу билан аждодларимиз руҳини шод этиш борасида улуғ ишлар амалга оширилмоқда. Биргина Нукус шаҳри марказида қад ростлаётган ажойиб гузардан чойхона, ошхона, маиший хизмат шахобчалари ўрин олади.*

**Суратларда: Нукус шаҳри, Бухоро туманидаги бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этаётган Самарқанд ва шаҳрисабзлик қўли гул усталар.**

**Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## *Жўшқин ҳаёт нафаси*

### Қишлоққа газ келди

*Жиззах вилоятининг Пахтакор туманидаги олис қишлоқлардан бири - «Пахтачи»га табиий газ келди. Шу мақсадда 6,3 километрли газ қувури тортилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги байрамигача яна қарийб 500 километрли қувур ётқизилиб, қишлоқдаги барча хонадонлар табиий газ билан таъминланади.*

### Асосий маҳсулот экспортга

Андижон вилояти Булоқбоши тумани марказида жаҳон талаблари даражасида тикувчилик буюмлари ишлаб чиқарадиган, 70 фоиз маҳсулотни экспортга тайёрлайдиган янги фабрика очилди. Корхона цехлари жаҳондаги ривожланган давлатлар - Германия, Италия, Швейцариядан келтирилган замонавий, товушсиз ишлайдиган, серунум чок машиналари ва зарур дастгоҳлар билан жиҳозланди.

Янги фабрика Шаҳрихон туманида қурилиши ниҳоясига етказилаётган «Антекс» тўқимачилик мажмуининг филиалидир. Булоқбошилик тикувчилар мазкур мажмуанинг Сегазақум қишлоғидаги йигирув, тўқув ва бўяш фабрикаларида ишлаб чиқарилган ранг-баранг матолардан харидоргир кийим-кечак тайёрлайди.

Айни вақтда фабрикада Тошкент, Бухоро, Қарши шаҳарларидаги турдош корхоналарда ўқиб келган 150 нафар қишлоқ чеварлари меҳнат қилмоқда.

### Фильм алломаларимиз ҳақида

*Француз кинематографлари ЮНЕСКО ҳомийлигида 21 сериялик телефильмни суратга олмоқда. У Самарқанд, Хива ва Бухоро шаҳарларидаги тарихий обидалар, халқимизнинг машҳур алломалари ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилади.*

*Фильм директори Мариус Муте раҳбарлигидаги ижодий гуруҳ бир неча кун мобайнида Бухоро вилоятида бўлиб, Сомонийлар мақбараси, Пойи Калон мажмуи, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи, Абдулазизхон мадрасаси, Тоқи Телпакфурушон, Лаби ҳовуз ва бошқа тарихий обидаларни суратга олди.*

*Абу Али ибн Сино туғилган гўша - Пешку туманидаги Афшона қишлоғи, бу ердаги аллома музейи ҳам бўлажак фильмдан жой олди.*

### Тарбиячилар кўрик-танлови

Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим муассасалари ўртасида «Соғлом авлод учун» мавзуида ўтказилган кўрик-танлов якунланди. Тадбир давомида Таълим тўғрисидаги қонун асосида таълим-тарбияни юқори даражада ташкил этиш, кичкинтойларни мактабга тайёрлаш, тарбиячиларнинг билим савияси ва маҳорати синовдан ўтказилди.

Танлов якунига кўра Нукус шаҳридаги 20-болалар боғчаси жамоаси ғолиб деб топилди. Беруний шаҳридаги 3- ва Қўнғирот шаҳридаги 7-болалар боғчалари иккинчи ва учинчи ўринни эгаллади.

(ЎзА)




# БОҒ ЯРАТИБ ЯЙРАМАГАН БОБОМ

**(«Истибдод эртаклари» туркумидан)**

Урушдан кейинги оғир йиллар. Мен ҳали мактабга қатнамасдим. Раҳматли онажонимизга эргашиб ака-ука биздан ўн беш- йигирма чақирим олисда яшайдиган бобо ва бувимизни кўргани келардик. Бир гал борганимизда юз берган воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Одатдагидек шохбутадан ясалиб устига чипта қопланган кўлбола эшикдан кирганимиздаёқ янгигина узилаётган пиёзли зоғора ноннинг ҳиди димоғимизга гупиллаб урилди. Салгина нарида пахса девор тешикларини ямаётган бобом ҳам, бувим ҳам бизни сезмай қолишди. Биринчи бўлиб бизга кўзи тушган бобом қурушқоқ кафтини пешонасига соябон қилди-да, бувимга деди:

- Авлиёсан, бугун меҳмон келади, деб рост айтган экансан.

Бувим шу заҳоти ўгирилди-ю, қулочини кенг ёзиб истиқболимизга юрди.

Фақат икки нафаргина қиз кўрган, ўғил тирноғига зор бўлган чол-кампир биз набираларини ғоят севишарди. Бувимдан сўнг бобом қучоғидан чиқибоқ ҳовли этагига кўз ташладим. Баҳор охирлаётган, ўриклар айни сарғайишга келганди.

Шу пайт кимдир эшикни тарақлатиб очиб бетакаллуфгина кириб келди. Қўлида жигарранг папка. Меҳмонни кўрган бобом қувониш ўрнига негадир «уф» тортди.

- Ёмон кўрганинг қошқовоқ устида, деб шуни айтади-да!

Бегонанинг яхши одам эмаслигини мен ҳам сездим. Бобом қувлаб чиқсалар керак, деб ўйлагандим. Йўқ, аксинча икки қўллаб сўрашдилар.

- Овқат тайёр, мулла Камолжон, марҳамат қилсинлар!

Бегона киши бобомни эламагандек қўл учини узатди-да, дастурхон ёзилган сўрига қараб юрди. Онам шошиб уйга кириб кетди.

Бувим келтирган овқатни у ковлаштирди-ю нари сурди.

- Қорин тўқ. Хўш, асосий масалага ўтайлик. Пул тайёрдир? Ўтган гал ваъда бергансиз. Дарров олиб чиқинг, вақтим зиқ.

Бобом каловланди.

- Матмуса охунга қарз сўраб бордик. Аҳмад ёғоч оёқда, Қирғиз калтада, Салим оқсоқолдаям йўқ экан. Жон мулла Камолжон, бир ойгина сабр қилинг, сабзи етилай, деб қолди. Бозорга чиқараман-у пулини тутқазаман.

У бобомни масхаралагандек тиржайди:

- Кап-катта одам алдагани уялмайсизми? Мол сотганлигингизни эшитмаган, деб ўйлаяпсиз шекилли. Сиз шохида юрсангиз биз баргида юрадиганларданмиз. - Сўнг кафтини шапиллатиб папкасига урди - масхаравозлик қилманг. Совет ҳукумати билан ўйнашманг!

Бобомнинг ранги оқарди.

- Ҳукумат билан нега ўйнашай, укам. Ҳукумат бошимизни силаяпти. Тепамда худо бор, молни сотганлигим тўғри, аммо пулидан бир мири ҳам олмадик. Хабарингиз бор, кичик қизимнинг уйи ёниб кетди, очиқ ҳовода шувдираб қолишди. Эри фронтовик, ногирон. Тийинигача қўлига тутқаздик.

- Билмайман, билишни ҳам истамайман. Агар тез топмасангиз, милиция бошлаб келиб уйингизни рўйхат қилдираман.

- Айланай, Камолжон, - ичкаридан рўмоли учини тишлаган бувим қимтинибгина чиқиб келди. - Бувангиз одам бўлиб бозорда бир челак мева сотган банда эмас. Битта қишлокданмиз, пича инсоф қилинг. Болаларингиз орзу-ҳавасини кўринг!

Камолжон деганнинг юраги тошдан экан, юмшамади. Ўрнидан қўзғалар чоғда кўрсаткич бармоғини ниқтади.

- Гапим - гап. Кечқурун участковой билан келаман.

Милиция номини эшитган бобом шўрликнинг киприги «пир-пир» учади, жойидан қўзғолишга ҳам мажоли йўқ. Бувимнинг ҳам кўзлари ёшланди. Шу чоғ остонада панарокда турган онам шаҳдам юриб келди, қўлида қандайдир ялтироқ нарса, қарасам, ўртача бармоғидан қўймайдиган узуги.

- Ота, манавини бера қолинг. Деҳқончилигингиз битганида бошқасини олиб берарсиз.

- Вой, нима қиляпсан, қўй болам! - бувим онамнинг қўлини ушлади.

Бобомнинг энди чапақай жаҳли чиқди, худди уйқусидан уйғонгандек ўрнидан сапчиб турди.

- Қўлингда осмон бўлса, ағдар устимизга, қамоғингда чиритвор! Отанг туппа-тузук одам эди, сен ... э, ўргилдим.- Кейин онамга шаҳд билан ўгирилди-да буюрди. - Тақиб ол қўлингга, яхши кунларингга, деб олиб берганман.

Вазият чигаллашганини кўрган соликчи бўшашгандай бўлди, аммо онам сўзидан қайтмади. Бобом ва бувим ораларидан сирғалиб ўтиб кафтидаги узугини ҳалиги одам олдига ирғитди.

- Мингдан-минг розиман. Ота-онамни тинч қўйсангиз бас!

Уйга қайтганимиздан кейин ҳам дадам суриштиришидан ҳадиксирадими, онамнинг анчагача узук тақиладиган бармоғини боғлаб юрганини унутмайман.

Кейинги йил баҳорги таътилда тағин онамга эргашиб Қорадарё бўйидаги Кемабоши қишлоғига йўл олдим. Лекин бошқа ҳовлига кириб қолгандек эдим. Ҳаммаёқ ҳувиллаб ётарди.

- Нега дарахтларни кесдингиз? - дедим чопқиллаб бориб бобом бўйнига осиларканман. - Нима еймиз энди?

Бобом хомушроқ боқар, ёноқлари баттар туртиб чиққандек эди.

- Бундан буёғига сизларни Сталин бувангиз боқади. Москвадан мева юбориб туради.

Бобом сал наридаги қантак ўрик тўнкасига санчилган болтани олиш учун кетганида яна «ура» деб мақтаниб бақирмоқчи бўлганимда акам елкамга туртди:

- Жиннимисан? Сталин Москвадан ўрик жўнатармиди! Мева пишмайди у ёқларда, совуқ!

- Нафасим ичимга тушди.

- Мени алдабсиз-ку, - дедим бобомнинг ёнларига бориб. Сталин ўрик жўнатмайди, акам айтди, у ёқлар совуқ экан, ўрик пишмасмиш. Велосипед олиб беришингиз ҳам ёлғон экан-да бўлмаса!

Бобом дағал бармоқлари билан бошимни силади.

- Вой, ўғлим-ей, шунақа билимдонман, дегин? Кўнглинг хотиржам бўлсин, велосипед албатта, бўлади!

- Унда нега ўрикларни кесдингиз?

Бобомнинг чўзинчоқ юзи жиддийлашди.

- Сабабини катта бўлганингда биласан.

Бобом бу гал алдамади. Бир қулоғида чаноғи бор оқ эшагини арзон-гаровга пуллаб, менга кичкинагина велосипед олиб берди. Улғайганимда дарахтларнинг кесилиши боисини бобомдан сўраш насиб этмади. Бобожонимиз (биз опоғдода дердик) айтишга улгурмаган сирни, бир умрлик манглай тери эвазига яралган боғни кесиш учун қўлига арра ушлаганлиги сабабини ақлим тўлганида англадим. Сталин даврида ҳар бир туп ўрик учун бир бош қўй баробар қишлоқ хўжалик даромад солиғи жорий этилган экан. Ёшлигида отдан йиқилиб елкаси синган ярим жон бобом, турмуш заҳматлари туфайли қадди эрта букчайган бувим шунча солиқ пулини қаердан ҳам топишарди?

Ўтмишимиз, собиқ иттифоқ давридаги халққа қилинган зуғум, адолатсизликлар ҳақидаги дардли ҳикояларни тинглар эканмиз 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида қанчалик алданганлигимизга қайта-қайта иқрор бўласан, киши. Шунда қаддимизни ғоз қилган, ўзлигимизни англатган Истиқлол қадрини, аҳамиятини қалбдан туямиз.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**



Муборак юртимизда бунёдкорлик ишлари зўр уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Замонавий маъмурий бинолар, турар жойлар, кенг ва равон кўчалар, хиёбонлар шаҳар-қишлоқларимиз кўркига-кўрк қўшди.

**Суратда: Эски шаҳар бозори ёнидаги Хожа Аҳрор Валий масчитининг бугунги кўриниши.**

**Ҳ.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.**

## «Ил-114» Нукусга қатнайди

Ватанимизда ишлаб чиқарилган «Ил-114» самолёти «Тошкент- Нукус» йўналиши бўйича мунтазам қатнай бошлади. Йўловчилар учун қулай ва тежамли бу самолёт «ЯК-4О», «АН-24»лар ўрнини эгаллади.

Ҳадемай Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа йўналишларида ҳам «Ил-114» самолётлари уча бошлайди.

## Янги шифо маскани

Мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги байрами олдидан Қува туманидаги «Бўстон» хўжалигида янги қишлоқ врачлик пункти очилди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу шифо маскани малакали врачлар билан таъминланди.

*Бандлик дастури амалда*

# ИХТИСОСИ БЎЙИЧА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИЛДИ

**Бозор шароитида ишсизликнинг вужудга келиши табиий ҳол. Бундай шароитда омилкор, ташаббускор ютади. Эскича ишлаётган, бозор талабига, рақобатга дош беролмаётган корхоналар эса синмоқда. Демак, муайян даражада ишсизлар пайдо бўлаяпти. Уларни касб-кори, лаёқатига қараб ишга жойлаштириш масалаларини маҳаллий меҳнат, иш билан таъминлаш (меҳнат биржаси) ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимлари амалга оширмоқда. Хусусан, пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур меҳнат бўлимида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир.**

Маълумотларга кўра, туманда 170 нафар фуқарога ишсизлик мақоми берилган. Шулардан 131 нафарига ишсизлик нафақаси тўланмоқда. Ўтган 6 ой ичида ҳеч қаерда ишламайдиган 899 нафар киши рўйхатга олинган ва шулардан 796 нафари ишга жойлаштирилган.

— Айни пайтда бизда 36 нафар ходим фаолият кўрсатаяпти, - дейди бўлим бошлиғи ўринбосари Умида Йўлдошева. - Идорамизда ишсизларни қайта касбга йўналтириш бўйича ҳам анча ишлар қилинмоқда. Бунинг учун шаҳар бўйича ўқув маркази ташкил этилган. Унда ғишт терувчилик, пайвандчилик, тикувчилик, ЭҲМ оператори ва бошқа касбларни эгаллашмоқда. «Устоз-шогирд» йўналишида 6 нафар шогирд тайёрланди. Улар асосан аёллардир. Марказга шу 6 ой ичида туманимиздан 147 киши юборилди.

— Илгари «Ўқитувчи» нашриётида ишлардим,- дея суҳбатга қўшилди Самарқанд дарвоза кўчасида истиқомат қилувчи Шоира Бобохонова. - Корхонадан қисқаришга тушганимдан кейин туман меҳнат бўлимига мурожаат қилдим. Бу ердагилар касбим бўйича иш тополмагач, марказда ҳисобчиликка ўқишимни таклиф қилишди. Тўрт ойлик курсни битиргандан сўнг бўлим томонидан «Гулистон» савдо уйига ишга жойлаштирилдим.

Туманда иш билан банд бўлмаган аҳоли сони 8 минг нафарни ташкил қилган бўлса, шулардан 3 минг нафари ёшлардир. Шу боис 48 та маҳаллага бўлимнинг 16 нафар инспектори бириктириб қўйилган. Улар жойларда тарғибот ишларини намунали олиб боришмоқда. Ишсизларнинг ҳар бирига, касбига, лаёқатига қараб иш таклиф қилинмоқда. Бундан ташқари, яқинда туманнинг 40-мактаб ҳудудида ёшлар учун меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда ишсиз ёшларни 105 нафарига маслаҳатлар берилди, 54 нафари ишга йўлланма олди, 46 нафари эса ўқишга юборилди. Таъкидлаш жоиз, туман 58 та корхона ва ташкилотларида йил бошидан буён 22 та қўшимча махсуслаштирилган иш жойлари ташкил қилинди. Меҳнат йўлланмаси билан иккинчи чоракнинг ўзида уларга 17 киши жойлашди.

Ойлик маошни ўз вақтида тўлай олмаётган корхона ва ташкилотлар билан мутазам иш олиб борилмоқда. Масалан, тумандаги учта банкдан олинган маълумотларга кўра, шу йил 16 июн ҳолатига иш ҳақи бўйича қарздор корхоналар сони 26 та бўлган. Қарзлар миқдори эса 10 миллион 691,3 минг сўмни ташкил этган. Бўлим мутахассисларининг аралашуви ва талаби билан июн ойининг ўзида 523 минг сўм ишчилар фойдасига ундирилди. Маошни кечиктириб тўлаётган корхона раҳбарларига йил бошидан буён 89 минг 760 сўм миқдорида жарима солинди. Бундан ташқари, статистика бошқармаси томонидан тақдим этилган қарздор корхоналар билан ҳам мунтазам шуғулланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги Фармонини амалга оширишда маҳаллаларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Хусусан, йил бошидан муҳтож оилаларнинг 7 минг 710 нафаридан ариза тушган. Аксарияти ижобий ҳал қилинган. Кам таъминланган оилаларга ўз вақтида моддий ёрдам ташкил қилишда бўлимнинг меҳнат назоратчиси ҳокимият вакили сифатида қатнашади.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Мисол учун туман корхона ва ташкилотларида вакант иш ўринлари кўп. Лекин уларнинг кўпларида ойлик маош оз бўлганлиги боис бу ерда ишлашга камдан-кам кишилар рози бўладилар. Шунга қарамасдан, юқорида таъкидланганидек, бўлим мутахассислари бу муаммоларни ҳамжиҳатлик билан ечишга эришишмоқда.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**Сурайё АҒЛАЕВА.**

## АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРГА МАДАД

Мамлакатимизда ташкил топаётган янги турдаги ўқув юртлари таълим ва тарбия ишларини кенг йўлга қўйиш жараёнларида Ўзбекистон фанлар академиясининг институтлари ҳам яқиндан амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида уюштирилаётган ўқитиш йўналишлари муваффақиятини таъминлашга қаратилган таълимий тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда.

Академик лицейларда ўқитилаётган турли фанлардан машғулотлар олиб боришни сифат жиҳатидан яхшилаш мақсадида илмий муассасалар бир неча ўқув даргоҳларини ўз оталиғига олдилар. Физика-математика ўқитиш йўналишида фаолият кўрсатаётган қатор академик лицейлар математика, ядро физикаси институтлари, «Физика-қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳомийлигида иш олиб боради. С.Сирожиддинов номидаги академик лицей, Фарғона, Бухоро давлат университетлари ҳузуридаги академик лицейлар, шунингдек, Тошкентдаги 54,286 мактабларда уюштирилаётган физика-математика йўналишидаги машғулотларни ташкил этишда кўзга кўринган олимлар бевосита қатнашадилар.

Тиббиёт фанлари билан шуғулланаётган лицейлар ҳам академия олимлари оталиғига олинди. Тошкент Давлат тиббиёт институтлари ҳузурида очилган лицейларга биоограник кимё институти, генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси, иммунология институтлари ёрдам кўрсатишни ўз зиммаларига олдилар. Микробиология илмий текшириш институти эса Тошкент гидроматарация коллежи, Қибрай туманидаги касб-ҳунар коллежи билан ҳамкорликни йўлга қўйди.

**Соҳиба ТЎРАЖОНОВА.**

*Касаба уюшма ҳаёти: ҳисобот ва сайловлар*

# МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

**«Дўстликдон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилиши иштирокчилари асосий эътиборни камчиликлар, ечимини кутаётган муаммоларга қаратдилар. Аввало, касабақўм раиси Бўрибой Дўстбековнинг корхона ва унда ишлаётган жамоа ҳақида қисқача изоҳи: «Корхонамиз ишга туширилганига яқинда 15 йил тўлади. У чўлда ташкил топган кенжа корхоналардан бири. Шунга қарамай, бугунги кунда корхонамиз тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган ун ва бошқа махсулотлар юқори сифатлилиги билан нафақат Жиззах вилоятида, балки республикамизнинг бошқа минтақаларида ҳам қадрланади. Жамоамизда 500 нафардан зиёд ишчи-хизматчи бўлиб, ҳар йили 50-60 минг тонна донни қайта ишлаймиз.**

Корхонамизнинг ёрдамчи хўжалигида 100 гектар майдонда ғалла, 110 гектар ерда пахта етиштирилаётгани, 20 бошдан зиёд қорамол ва 100 бошга яқин чўчқа боқилаётгани бизга мўмай қўшимча даромад келтирибгина қолмай, ёшларни иш билан таъминлаш имконини ҳам берди.

Ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси ва маъмуриятнинг ҳамкорлик билан иш тутиши, ҳар бир меҳнат кишисининг ижтимоий ҳимояга олингани, меҳнат шароитларининг тобора яхшиланаётгани туфайли юқорида айтилган самарадорликка эришилмоқда.

Ўтган йили ҳиссадорлик жамиятлари бўйича меҳнаткашларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун қарийб икки миллион сўм, кам таъминланган кишиларга моддий ёрдам сифатида 600 минг сўм ва меҳнат муҳофазаси учун 750 минг сўм сарфланди. Бу сарфу харажатга меҳнаткашларни дам олиш уйлари ва санаторийларга юбориш, илғор ишчилар ва фахрийларни газета-журналларга обуна қилиш, болаларнинг оромгоҳларда дам олишларини ташкил этиш сингари хайрли ишларга сарфланган 800 минг сўм ҳам қўшилса, касабақўм ва маъмуриятнинг ишчиларга кўрсатаётган доимий ғамхўрлигини сезиш қийин эмас.

Касабақўм ва маъмурият ўртасидаги шартномада иккинчи жаҳон ва афғон уруши иштирокчиларига, Чернобил фалокатини бартараф этишда қатнашганларга алоҳида имтиёзлар белгилаб қўйилган.

Ҳисобот йиғилиши қатнашчилари касабақўм фаолиятини таҳлил этарканлар, меҳнат муҳофазаси масаласига кенг тўхталдилар. Тўғри, корхонанинг зарарли шароитида ишлаётган ишчилари ҳар куни бепул сут ва ойма-ой ёрдам пуллари олишади. Иш жойлари чангютгич ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган. Барча цех ва бўлимларда муҳофаза бурчаклари ташкил этилиб, керакли йўриқномалар, қайд этиш дафтарлари билан таъминланган. Корхонанинг тиббий ҳамшираси хонасида ҳам, цех ва бўлимларда ҳам керакли дори-дармонлар бор.

Жамият ишчи-хизматчиларини махсус кийим-кечаклар сотиб олишга бултур 780 минг сўм, оёқ кийимлари учун 800 минг сўм маблағ сарфланди. Улар саломатлиги доимий назоратда. Бунинг учун туман марказий шифохонаси ва Тошкент тиббиёт олийгоҳи билан шартнома тузилиб, ишчи-хизматчилар ҳар йили икки марта тиббий текширувдан ўтказилмоқда.

Жамоанинг колбаса ва макарон цехларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар менаткашларга арзон нархда сотилмоқда. Корхона қошидаги 60 ўринли ошхона, 190 ўринли болалар боғчаси,Дўстлик тумани марказидаги «Дўстлик» ва «Интизор» ошхоналарига ҳам ёрдамчи хўжалик маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси иложи борича аёллар меҳнатини енгиллаштириш, манфаатдорлигини ошириш пайида бўлмоқда. Жорий йилда корхонада ишловчи 73 нафар хотин-қиз енгил ишларга ўтказилди.

Йиғилишда фаолиятни янада яхшилашга оид таклиф, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Робия Қулумбетова - омухта ем ишлаб чиқариш цехи бош лаборанти: — Корхонамизда омухта ем ишлаб чиқариш бултур шу пайтдагига нисбатан камайди. Қувватлардан тўлиқ фойдданмаслик оқибати бу.

Муҳаббат Самадова - жамият хотин-қизлар кенгаши раиси: — Аёллар йили муносабати билан хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган тадбирлар кам. Уларни санаторий ва дам олиш уйларига юбориш ҳам кўнгилдагидай эмас.

— Мен меҳнаткашларнинг ҳуқуқий билимлари ва бозор иқтисодиёти ҳақидаги тушунчаларини ошириш учун жамоамизда ҳуқуқий ўқувлар ташкил этишни таклиф этаман.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида касабақўм жанговорлигини ошириш ва ишларини яхшилашга оид кўплаб таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ КЎМАГИДА

**Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли институт ва университетларнинг аксарияти чет мамлакатлар илм-фан марказлари билан яқиндан алоқа қилиб келмоқдалар. Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институтининг ҳам халқаро алоқалари кенгайиб бормоқда.**

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти эътиборини ўзига тортган бу олий ўқув юртида янги ўқув йилидан бошлаб қатор ихтисосликлар ўқитила бошланади. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан маълум қилишларича, мазкур институтда ЮНЕСКОнинг кафедра бўлими ҳам ташкил этилди.

Янги кафедра ўз фаолиятини ЮНЕСКО ташкилотининг ёрдами билан олиб боради. Айниқса, Ўзбекистондаги меъморчилик ёдгорликларини асраб-авайлаш, шаҳарсозликнинг илмий асосларини ривожлантириш йўлида саъй-ҳаракатлар амалга оширилади.

Кафедра илмий тадқиқотлар билан шуғулланувчи ёшларни ўқитиш, малакали кадрлар тайёрлашни йўлга қўйишда олий ўқув юртига кўмаклашади. Ўқув машғулотларини олиб боришни яхшилаш мақсадида мустаҳкам илмий-техник негиз яратиш тадбирлари ҳам кўрилди.

**А.АЛИЕВ.**



Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида Аёллар йили муносабати билан ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни соғломлаштиришга эътибор кучайтирилган. Замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган шифо масканлари кўпаймоқда. Ушбу суратда яқинда фойдаланишга топширилган туғруқхонанинг умумий кўриниши акс эттирилган.

**Ш.СУЛТОНОВ олган сурат.**



## Муштарий илҳоми

### ХУШ КЕЛДИНГИЗ

*Мен бугун очгум дилим, ёронларим, хуш келдингиз,*
*Қалби офтоб, бағри кенг осмонларим, хуш келдингиз,*
*Майли, пора-пора бўлсин, жон фидо халқим учун,*
*Бошимизга соябон посбонларим, хуш келдингиз.*
*Меҳнатингиз бирла топди қадрин юрт тупроғи ҳам,*
*Очди тошда ғунча гуллар, қилди хониш зоғи ҳам,*
*Бундайин юрт қайда бордир, кўп эрур камроғи ҳам,*
*Шул азиз юрт соҳиби - арконларим, хуш келдингиз.*

*Тупроғи зар, халқи заргар, кўп эрур олтинлари,*
*Юқмас эрди ёғ ичинда ёғ юқи олдинлари,*
*Бахтни куйлар энди мард шоирлари, оқинлари,*
*Мадҳ этарда чарчамас хушхонларим, хуш келдингиз.*
*Шавкато, дўстлар ёнингда, чекма ҳеч ранжу алам,*
*Шул Ватан бизлар учундир - хўп қадамжо, муҳтарам,*
*Бермагаймиз ҳеч кима деб қасам ичдик, қасам,*
*Ваъдасида қатъий аҳд-паймонларим, хуш келдингиз.*

### ҲАМДАМ БЎЛУР

*Дилга ором бахш этгувчи яхши сўзлар ҳам бўлур,*
*Баъзида шу яхши сўздан кўзларимиз нам бўлур,*
*Борки дунёда кишилар дилкашу ширинсухан,*
*Сўхтаси совуқ эса дилни ўртаб ғам бўлур.*
*Кўп жафо қилма, гўзал, жабрингдан айлансин қулинг,*
*Кимгадир очиқ эшиклар кимгадир маҳкам бўлур.*
*Ўтган умрингга ачинма умрим зое кетди, деб,*
*Меҳнатинг доим улуғдир, бамисоли шам бўлур.*
*Сен агар доим ўзингни менга дилкаш айласанг,*
*Шавкатинг ҳам сен учун доимо ҳамдам бўлур.*

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**Бухоро вилояти Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Қўмитаси раиси .**

### ТИЛАК

*Мухтасархон, синглим сизни*
*Ўзга уйга кузатамиз.*
*Ёр-ёр айтиб, алёр айтиб,*
*Келин қилиб узатамиз.*

*Энди шу уй, шу ҳовлининг*
*Бекасига айланасиз.*
*Ёнингизда турган алпнинг*
*Эркасига айланасиз.*

*Бахт балқиган шу боғчада*
*Атиргулдек юз очасиз.*
*Куёв бола пешонасин*
*Шамси бўлиб нур сочасиз.*

*Қайнотаю қайнонага*
*Меҳр билан бойланасиз.*
*Сиз уларнинг келин эмас,*
*Қизларига айланасиз.*

*Қиз болани палахмон тош*
*Деганлари рост экан.*
*Бахтингиз шу, шудир толе,*
*Куёв сизга мос экан.*

*Тилагим шу: тоабадга*
*Бахтингиз бутун бўлсин.*
*Сиз кирган уй ҳовлиси*
*Бола- чақага тўлсин.*

**Орзигул ХУДОЙБЕРДИЕВА.**

## ХАТИРЧИ ФАХРИ

**Москва шаҳрида бўлиб ўтган биринчи жаҳон ўсмирлар ўйинларида Манзура Иноятова дугонаси Саида Бўронхўжаева билан биргаликда қатнашиб, умумий ҳисобда бронза медали соҳиблари бўлганлиги ҳақидаги хабар республикага тарқалди.**

**— Кўчада копток қувиб юрган қизча-я? — ажабланди момолар. Тиниб-тинчимаган қиз Саудия Арабистони, Жанубий Африка, Сингапур, Гонгконгда ўтказилган теннис бўйича Халқаро мусобақаларда қатнашган. 1996 йилда Покистонда бўлиб ўтган тадбирда биринчи ўринни эгаллади. Спорт устаси унвонини олган. Таиландда ўтказилган Осиё қитъаси мусобақаларида юртимиз шаънини ҳимоя қилган. 1998 йил январда ўсмирлар ўртасида теннис бўйича чемпион бўлган, синглимиз-ку, дейишади ёшлар.**

**Боболар эса фахр ва ғурур билан «Мустақиллик шарофатида мустабидлик даврида юлдуз бўлолмаган опаларинг орзуларига ет, қизим», деб фотиҳага қўл очишди.**

**Манзура (суратда) тумандаги 7 мактабнинг 9 синф ўқувчиси. Тенис тўрт-беш йилдан бери унинг энг севимли машғулотига айланган. Шу кунларда у устози — акаси Жаъфар Иноятов раҳбарлигида бўлажак турнирларга тайёргарлик кўрмокда.**

**Ё. САРИЕВ.**

## Маънавиятимиздаги кемтиклик

# КУТУБХОНАЛАР ХЎЖАКЎРСИНГАМИ?

**Сурхон воҳасининг Бандихон туманида кўз-кўз қилишга лойиқ бўлган туман маданият ишлари бўлими бор. Унга Жўра Қулниёзов раҳбарлик қилади. Бугун биз тилга олмокчи бўлган мавзу эса ана шу идоранинг бир бўлаги ҳисобланган кутубхоналар фаолияти хусусидадир.**

Тумандаги маданият ишлари бўлими тасаррувфида 8 та кутубхона мавжуд бўлиб, шундан 2 таси, яъни, катталар ва болалар кутубхоналари марказда, қолганлари эса қишлоқларда жойлашган. Марказдаги кутубхонага кирар эканмиз, ҳайратдан ёқа ушладик. Биронта ҳам ўқувчиси бўлмаган катталар кутубхонасининг мудираси Нигора Бекмуродовага берган ўндан ортиқ саволимизга икки оғизгина жавоб олдик, холос. Мудиранинг таъкидлашича, кутубхонада жами 3436 дона китоб бўлиб,шундан 1036 донаси рус тилидаги адабиётлар экан.

Мазкур кутубхонада 240 нафар ўқувчининг фамилияси қайд қилинган. Бунинг ҳам 100 нафари кўчанинг нариги томонидаги ўрта мактаб ўқувчилари. Ҳисобда турган «Умид» кичик корхонасининг ҳисобчиси Бахтиёр Абдиев, «Пахтакор» жамоа хўжалигидан нафақахўр Худойберди Тошқулов, Ойбек номли жамоа хўжалигидан Равшан Норбоевлар яқин йиллар ичида бирор марта ҳам кутубхона эшигини очишмаган.

Бизни энг кўп ажаблантирган нарса, зиё маскани мудирасининг 1999 йил Аёллар йили эканлигини билмаслиги бўлди. Шундан сўнг китоб жавонлари ҳамда кутубхона деворлари яқин ўртада тозаланмаганлигидан ҳам кўз юмиб кўя қолдик.

Хуллас, марказий кутубхонадан ҳафсаламиз пир бўлиб чиқди. Ҳали ҳайратдан ўзимизга келиб улгурмасимиздан ичкаридан мудир опани койиганча Жўра Қулниёзов чиқиб келди ва «Тамом, мен уни ишдан бўшатаман. Газетга ёзиб юрманг», деди буйруқ оҳангида. Сўнгра қўшимча қилди: «Ишимиз сиз ўйлаганчалик ёмон эмас. Яхши кутубхоналаримиз ҳам бор. Хоҳласангиз, марказлашган кутубхоналар тизимга қарашли 5 - тармоқ зиё масканига борайлик».

Мақтанганнинг уйига бор, деган нақлга амал қилиб , айтилган жойга ҳам етиб бордик. Афсуски, соат 15.30 бўлишига қарамай мудира опа ҳали тушликдан қайтмаган экан. Уйидан чақириб келишга мажбур бўлдик. Ўзини Улжон Янгибоева деб таништирган мудира бундан 20 йил аввал ўрта мактабни тугатган экан. Саволларимизга яна жавоб ололмадик. Кутубхонанинг 300 ўқувчиси бўлиб, бор-йўғи 750 та бадиий китоби бор экан. Ҳеч қандай бурчаклар ташкил этилмаган.

Кутубхонада тумандаги Ҳамид Олимжон номли 2-ўрта мактабнинг тўртбурчак муҳри босилган С.Ризаев, О.Ризаеваларнинг «Янги алифбони ўрганамиз» деган ёзув дафтаридан 50 дона турганлигини кўриб, ҳангу манг бўлиб қолдик. Ҳамроҳим Жўра Қулниёзовнинг эса тили калимага айланмади. Улжон опадан сўраймиз:

— Сотаяпсизми?

— ...

Орага жимлик чўкди. Сўнг Жўра Қулниёзов секингина қулоғимизга пичирлади: «Улжон опанинг турмуш ўртоғи мактаб директори. Албатта, бу қилган иши нотўғри. Ахир кутубхона мактабнинг эмас, балки бизнинг балансимизда. Ҳар қалай рухсат сўраши керак эди».

Шунисига ҳам шукур. Лекин барибир Бандихон туман маданият ишлари бўлимидаги кутубхоналар хўжакўрсинга фаолият юритаётгандай туюлди бизга.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ЯНГИ ТЕННИС КОРТИ ОЧИЛДИ

Қарши шаҳрида кейинги йилларда маъмурий, ижтимоий, маданий, айниқса спорт иншоотларини қуришга катта эътибор бериляпти. Бу ерда жаҳон андозаларига жавоб берадиган яна бир теннис корти фойдаланишга топширилди.»Ўзбекнефтгаз-бурғулаш» акционерлик жамиятига қарашли олти юз ўринли бу ўйингоҳда спортчилар ҳамда томошабинлар учун барча қулайликлар яратилган.



**Мустақиллик иншоотлари**

## Жаҳон чемпионлари

**Мамажон МУҲИТДИНОВ.**

# НОДИР ИСТЕЪДОД

**1953 йили. Физкультурачилар уйига кираверишда: «Аёллар ўртасида жаҳон биринчилиги матчи» деган лавҳа қадалган. Унинг иштирокчилари- чемпионлик унвонини ҳимояловчи Людмила Руденко ва шу юксак унвонга талабгор Елизавета Бикова.**

Биринчи партияни Руденко ютади. Иккинчисида яна муваффақият чемпион томонида.

Афсус, москвалик шахматчи фаолиятида бундай бошланиш илгари ҳам юз берган эди. Лекин наҳотки бу ҳол нохуш анъанага айланиб қолган бўлса? Уч йил олдинги жаҳон чемпионатининг дастлабки 5 турида Бикова атиги 1 1/2 очко олди. Ҳатто охирги 10 тадан 8 1/2 очко олгани ҳам ҳеч нарсани ўзгартиролмади. 1952 йил тож талабгорлари турнирини ҳам у мағлубият билан бошлади. Лекин дарҳол ҳушёр тортиб, натижада 1- ўринни эгаллади. Мана энди мусобақа бошида навбатдаги муваффақиятсизлик рўй бериб турибди.

Биз ушбу кескин беллашувдаги кураш кейин қандай давом этганлиги билан ўқувчиларни саросимага солиб ўтирмаймиз. Унда Бикова ғолиб чиқиб, тарихда учинчи жаҳон чемпиони бўлганини айтамиз, холос.

Бикова 12 яшарлик қизчалигида уни катта шаҳарга акасиникига жўнатишади. У ҳайратдан кўзларини катта - катта очиб, улкан шаҳарнинг янги, нотаниш қиёфасига разм соларди.

Ҳа, дастлаб унча осон бўлмади. Йўқотилган имкониятларнинг ҳиссасини чиқариш, ҳаётда бирга қадам ташлайдиганларга етиб олиш керак эди.

У аввало тиришқоқлиги, матонати, интизоми, идроки туфайли бу қийин вазифани муваффақиятли уддалади. Бу фазилатларнинг барчаси кейинчалик чигал ва масъулиятли дамларда унга ёрдамга келади. Мактабдан кейин у план- иқтисод техникумини, сўнгра институтини тамомлади.

Лекин касб танлашда ҳамма нарса равшан бўлган бўлса, Бикованинг шахмат билан муносабатлари бошидан мураккаб тус олди. Доналар қандай юришини акаси кўрсатади. Унга ўйин ёқиб қолди, аммо жиддий шуғулланиш учун вақти кам эди. Уни шахматга қобилиятли, хотираси ажойиб дейишарди. Лекин 10 йилда атиги уч турнирда ўйнагандан кейин ундан нима чиқди! Бир марта мактаб мусобақасида биринчи бўлди. 1935 йили ўзи ишлайдиган статистика бошқармасида ташкил этилган аёллар турнирида ғолиб чиқиб, 5 категория олди. Бунинг чинакам ҳосилини у бир неча ойдан кейинги «Москва кичик чемпионати» деб аталган мусобақада татиб кўрди : якуний жадвалда унинг номи энг пастда «манаман» деб турарди.

Бундай муваффақиятсизлик истаган одамни бутунлай издан чиқариши мумкин эди. Бикованинг эса содир бўлган нарсага ҳаққоний баҳо бериш ва янада ғайрат билан ишга киришиб кетиш қобилияти намоён бўлди. У шахмат мактабига ёзилди , назарияни ўргана бориб мусобақаларда илгаригидек баъзан- баъзан эмас, мунтазам қатнаша бошлади, жумладан эркаклар турнирида ҳам ўйнаб турди. Ўйин ҳақиқатдан ҳам ҳайратланарли бўлди. У тез орада мамлакатнинг энг кучли хотин- қиз шахматчилари сафига кирди. 1938 йилдан 1952 йилгача 3 марта мамлакат чемпиони бўлди.

Уруш даври Бикованинг шахмат биографиясида алоҳида ўрин эгаллайди. Уни фронтга олишмади. У госпиталларда улкан оталиқ ишларини олиб борди, ярадор жангчилар ва офицерлар билан бир йўла ўйин сеанслари ўтказар, турнирлар ташкил этар, корхоналарда ҳам шундай тадбирлар уюштирарди...

У шахмат Олимпини узоқ вақт нишонга олди ва охири уни забт этди. Елизаветанинг Руденко билан ўйнаган матчидан кейинги гаплар эсга тушади. Янги чемпионнинг яққол ифодаланган позициявий ўйин услуби кимларгадир ёқмас, баъзилар уни ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик, бир ёқламалик ва бошқа шахмат «айблари» борлигида айблардилар.

Бикова ижодида ёркин комбинациялар қилинган партиялар оз, аммо ажойиб ўйналган эндшпиллардан намуналар кўп.

Дарҳақиқат, у таваккалчиликни ёқтирмайди. Лекин унинг жангчилик фазилатига кўплар ҳавас қиларди. Пайт пойловчи, манёврли курашни қанчалик моҳирона ва совуққонлик билан давом эттиришини кўрсангиз! У ҳиёлгина устунликка эришгач, ундан дарҳол фойдаланишга шошилмасди, балки, аксинча, яна тўплашга интиларди. Унинг биринчи қарашда беозордек манёврлардан ғафлатда қолган рақиблар неча марталаб жазоланган эдилар!. Қийин позицияларда қаттиқ туриб ҳимояланишчи? Бу ҳамманинг оғзида гап бўлмаганми, ахир! У тажрибали мастерлар билан ўйнаган партияларда ночордек туюлган ўнлаб позицияларни асраб қолган! Бу нима ўзи, омадми? Йўқ, матонат, оптимизм, ирода маҳсули.У худди шу фазилатлари туфайли жаҳон чемпиони бўлди, кейин эса яна икки бор ер юзининг энг кучли шахматчиси деган унвонни олди, йирик турнирларда ғалаба қозонди. Мамлакатдаги аёллар шахматчилик ҳаракатининг ривожланишига озмунча ҳисса қўшмади.

Биз газетхонларни таништирмоқчи бўлган партия матчдаги охирги учрашув бўлиб, шахмат тожининг тақдири унинг натижасига боғлиқ эди. Руденко ғалаба қилгудек бўлса, ҳисоб 7:7 бўлиб қолар ва у чемпионлик унвонини ўзида сақлаб қоларди. Биковани ҳатто дуранг ҳам қаноатлантирар эди.

Матчнинг 14-партиясини ютган Бикова 7,5:6,5 ҳисобида ғалабага эришиб, жаҳон шахмат маликалигини қўлга киритади.





**Мароқли машқлар**

**Иккала тасвирда ҳам оқлар 4 юришда мот қилади.**

## Ҳар тўғрида

# ТЕМИР ЙЎЛ ТАРИХИДАН

Бундан 175 йил муқаддам Англиянинг Дарлингтон ва Стоктон шаҳарлари ўртасида жамоат транспорти сифатида биринчи темир йўл ишга туширилган эди. Бунгача темир йўл фақат алоҳида завод ва шахталарда корхона эҳтиёжи учунгина қурилган.

Инглиз ихтирочиси Жорж Стефенсон қурган ва «Локомоушэн» деб аталган паровоз 36 километрлик бу йўлни тўхтаб-тўхтаб 7 соат деганда босиб ўтган. Поезд таркиби 21 вагондан иборат бўлиб, уларнинг 12 тасига ун ва кўмирли қоплар юкланган, қоплар устида азиз меҳмонлар жойлашган эди.

Темир йўл эгалари «Эксперимент» деб номланган алоҳида йўловчи вагонида бўлиб, у вагон ташқи кўриниши ва ички тузилиши жиҳатидан усти ёпиқ енгил аравага ўхшарди. Биринчи тоифали йўловчилар вагонлар ичида ўтиришган.

Дастлабки пайтларда темир йўлдан ҳаддан зиёд эҳтиётлик билан фойдаланишган. Вагонда чекиш мутлақо тақиқланган, ҳатто машҳур венгер композитори Ференц Лист бу қоидани бузгани учун жандарм уни жавобгарликка тортган.

Йўловчилар вокзалга поезд жўнашдан бир соат илгари келишга мажбур эди. Кимда-ким вокзалнинг иккинчи қўнғироғидан кеч келса, поездга тушиш ҳуқуқидан маҳрум қилинарди. Энг қизиғи шундаки, вокзал биноси ичида бош кийимда юриш мумкин эмасди.

Поездда почта ташишга ҳушёрлик кўрсатилган, бунинг учун почта поездини темир йўлнинг ҳар икки томондан отлиқ жандармлар кўзатиб борарди.

1837 йилда Россияда биринчи бўлиб, Петербург билан Царское село ўртасида темир йўл ишга туширилди. 1851 йили эса Петербург ва Москва орасида поезд қатнай бошлади. Тўртта йўловчи вагондан иборат эди. Ўрта Осиёда 1888 йилдан эътиборан темир йўл хизмати йўлга қўйилди. Бу муҳим воқеанинг юз йиллиги муносабати билан Тошкентда Ўрта Осиё темир йўли тарихи музейи очилди.

**А.АЛИЕВ тайёрлади.**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Босишга топшириш вақти —21.00 Топширилди 23.00

Буюртма Г— 0556. 1 2 3 4 5 6